

## **ERASMUS+ ДАСТУРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ БОШЛАНҒИЧ ФАОЛИЯТИ: ТЕМПУС ДАСТУРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛИ ДАВОМИ**

**Карлибаева Г.Х.**

*Мақолада Ўзбекистондаги Темпус IV дастурининг фаолияти, янги Erasmus+ (2014-2020) дастурининг муваффақиятли бошланишига асос бўлаётганлиги ҳамда биринчи танлов натижаларининг Ўзбекистон учун аҳамияти, Европа университетлари ва республикамиз олий таълим муассасаларнинг фаол қатнашишига катта қизиқиши билдирилганлиги ва имкониятларнинг кенгайганлиги ҳақидаги маълумотлар ёритилган.*

### **НАЧАЛО ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ERASMUS+ В УЗБЕКИСТАНЕ: ПРОДОЛЖЕНИЕ УСПЕХА ПРОГРАММЫ ТЕМПУС**

**Карлыбаева Г.Х.**

*В статье представлен краткий обзор деятельности программы TempusIV в Узбекистане, заложившей основу успешного начала новой программы Erasmus+ (2014-2020). Результаты первого конкурса для Узбекистана свидетельствуют об огромном интересе к расширившимся возможностям сотрудничества с европейскими университетами и активном участии вузов республики.*

### **START OF ERASMUS+ ACTIVITIES IN UZBEKISTAN: A GOOD FOLLOW-UP OF TEMPUS**

**Karlibaeva G.Kh.**

*The article provides a brief overview of the Tempus IV programme in Uzbekistan that served as the basis for a successful start of the new Erasmus+ programme (2014-2020). Results of the firstcall for Uzbekistan testify to the enormous interest in the expanded opportunities of cooperation with European universities and the active participation of universities of the country.*

#### **Темпус бу қандай дастур?**

Темпус - бу Ғарбий Болқон минтақаси, Шарқий Европа ва Марказий Осиё, Шимолий Африка ва Яқин Шарқдаги Ҳамкор-давлатларда олий таълимни ислох этишга қаратилган ва, асосан, университетлараро ҳамкорлик лойиҳалари орқали кўмаклашувчи Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилган дастурдир.

Ушбу дастур олий таълим тизимида ҳамкор-давлатларнинг олий таълимини Умумевропа жараёни билан ихтиёрий равишда интеграциялашида ёрдам беради. Шунингдек, олий таълим муассасалараро (ОТМ) ҳамкорлик билан чегараланмаган ҳолда Темпус ўзаро алоқаларни ўрнатишга ҳам ҳисса қўшмоқда.

Дастур профессор-ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги муносабатларни ўрнатишга ва яхшилашга ёрдам бермоқда.

Темпус лойиҳалари доирасида консорциумлар таркиби, асосан, университетлар ёки университетлар ассоциациялари томонидан ташкил топади ва қўллаб-қувватланади. Олий таълим соҳасида фаолият юритаётган ноакадемик ташкилотларнинг ҳам консорциум таркибига аъзо бўлиш имконияти мавжуд.

1994 йилдан буён Ўзбекистон олий таълим муассасалари Темпус дастурида фаол иштирок этиб келмоқда. Ушбу муддат давомида дастур лойиҳалари бир қатор фанлар бўйича ўқув дастурларини ислохотлаштиришга, миллий меҳнат бозорининг эҳтиёжларини таъминлашда, олий таълим муассасаларни бошқаришдаги ҳиссасини ва ОТМ билан ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишда ёрдам берди.

Темпус дастури кўп йиллар мобайнида энг узоқ муддатли ва ҳамма томондан тан олинган, тарихга бой ва ноёб дастур сифатида қабул қилинди. 1994 йилдан бошлаб Ўзбекистоннинг 55та олий таълим муассасалари иштирокида 87та Темпус лойиҳаларини амалга ошириш учун 32 млн. еврога яқин маблағ ажратилди.

1990 ва 2000 йилларда амалга оширилган учта босқич доирасида 6500та лойиҳалар молиялаштирилган: Европа Иттифоқининг ва Ҳамкор-давлатларнинг 2000га яқин университетлари иштирок этди; 2000-2006 йилларда (Темпус III) – 788 Кўшма лойиҳалари (Joint projects) ва 270 Структуравий чоралар (Structural Measures) лойиҳалари амалга оширилди ҳамда 1492 индивидуал грантлар (IMG) ажратилди.

#### ***Ўзбекистонда Темпус IV (2007-2013)***

Темпус IV дастурининг тўртинчи босқичи доирасида (2007-2013) 30та лойиҳа амалга оширилди ва бунга 16.6 млн. евро миқдорида маблағ ажратилди. 30та лойиҳа қуйидаги йўналишларга баҳишланган: 14 кўшма лойиҳа ўқув дастурларини ислох этиш, 7та “олий таълим ва жамият”, 1 та ислохотларни бошқариш ва 8 Структуравий чоралар. Лойиҳалар доирасида Европа Иттифоқининг 22 ҳамкор-давлатларнинг 115 университетлари ва 11 ҳамкор-давлатларнинг (кўпроқ МДХ давлатлари) 124 университетлари ҳамда республикамиз ОТМлари ўртасида ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди.

- 2008 йилда - 3 лойиҳа (PERSEUS, NMPLIS, AIDA)
- 2009 йилда - 4 лойиҳа (CANDI, HEICA, SWAN, UNIQTOOL)
- 2010 йилда - 3 лойиҳа (PROMENG, UnIvENT, CIBELES)
- 2011 йилда – 4 лойиҳа (QAPD, EPASAT, TERSID, ISMU)
- 2012 йилда – 5 лойиҳа (QUEECA, GE-UZ, UZWATER, TuCANEA, ENGITEC)
- 2013 йилда – 11 лойиҳа (ITEDU, INOCAST, MACH, HIGHVEC, UNIWORK, DeTEL, SAMUZ, PROMIS, MATCHES, UZDOC, UZHEALTH). 7та миллий лойиҳа (5.34 млн. евро), МДХ давлатлари билан 4 лойиҳа ҳамда Марказий Осиё давлатлари билан биргаликда 4 лойиҳа (3.86 млн. евро) танлаб олинди.

6-чи танлов жараёнида Марказий Осиё давлатлари учун мўлжалланган 10 млн.евродан ташқари, Европа Иттифоқининг қарорига асосан, Ўзбекистон олий таълим муассасалари иштирокидаги миллий лойиҳалар учун 5 млн. евро

микдорида маблағ ажратилди. Ажратилган кўшимча маблағ сабабли лойиҳалар сонининг ортганлиги қувонтиради.

Таълим, аудиовизуал воситалар ва маданият ижроия Агентлигининг (ЕАСЕА) кўрсаткичларига биноан кўп лойиҳаларнинг мавзулари Болония жараёни, ташкилотлар билан ОТМларнинг алоқаларини кучайтириш ва университетни бошқаришга йўналтирилган. Шунингдек, лойиҳалар асосан магистратура даражасига оид ва аксарияти минтақавий лойиҳалар ҳисобланади.

Ўқув дастурларни ислохотлаштиришга йўналтирилган лойиҳаларда кўп ҳолларда муҳандислик бўйича фанлар, қишлоқ хўжалиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш фанлари ва озиқ-овқат технологияларга бағишланган. Бир нечта лойиҳалар доирасида эса ахборот-коммуникацион технологиялар, ахборот-кутубхона фанлари, электрон таълимга урғу берилган.

Темпус дастури тенг ҳуқуқли ва икки томонлама фойдали ҳамкорлик қилиш ҳамда мустаҳкам халқаро ҳамкорлик алоқаларни ўрнатиш мумкин бўлган дастур ҳисоблангани боис, лойиҳа яқунлангандан сўнг ҳам университетлар академик алмашинув, қўшма мақолалар чоп этиш, қўшма илмий тадқиқотлар ёки бошқа академик лойиҳаларда иштирок этиш имкониятига муяссар бўлмоқдалар.

Икки босқичли таълимдан бир босқичли таълим тизимига ўтиш бўйича 2012 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш” тўғрисидаги Фармони қабул қилинганлигини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистондаги Темпус дастури ва унинг лойиҳалари томонидан Болония жараёнига яқинлашиш борасида ўз ҳиссаларини кўшиш имкониятига эга бўлдилар. Шу қаторда, 2013 йилнинг август ойида Европа Иттифоқининг тажрибалари асосида докторлик дастурларини ишлаб чиқиш мавзулари бўйича бир қатор семинарлар ташкил қилди.

Темпус лойиҳалари нафақат Марказий Осиё давлатлари билан, балки бошқа ҳамкор-давлатларнинг университетлари ўртасида ҳамкорликни кучайтиришга ёрдам берди. 2008 йилдан буён Ўзбекистон бир қатор давлатлар иштирокида кўп лойиҳаларда иштирок этди, масалан, Темпус IV дастури доирасидаги 30та лойиҳадан 20таси турли ҳамкор-давлатлар иштирокидаги лойиҳалар, бунда Ўзбекистоннинг 46 олий таълим муассасалари, 10та ҳамкор-давлатларнинг ва Европа Иттифоқига аъзо 22 давлатларнинг 150 университетлари иштирок этмоқда.

Айни пайтда Темпус IV дастурининг 16 лойиҳаси амалга оширилмоқда, бу лойиҳаларда республиканинг 41 олий таълим муассасалари жалб қилинган. Амалга оширилаётган лойиҳаларнинг муваффақиятларидан бирини кўрсатадиган бўлсак, 2015-2016 ўқув йилидан бошлаб бир қатор лойиҳада иштирок этаётган ОТМларда янги “геоинформатика” магистрлик мутахассислиги жорий қилинди ва илк талабаларини ўз даргоҳларига қабул қилди.

### ***Эразмус Мундус дастури***

Эразмус Мундус (Erasmus Mundus) – талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг академик сафарбарлигини ҳамда университетларaro ҳамкорликларини

кучайтиришда ёрдам берадиган Европа Иттифоқининг дастуридир. Бутун жаҳон олий таълим муассасаларининг битирувчилари ўз ўқишларини Европа Иттифоқига аъзо-давлатларида жойлашган бир нечта университетларидан бирида талабаларга дарс бериш имконияти мавжуд.

Эразмус Мундус 2чи Йўналиши (Action 2) - Европа университетлари ва белгиланган давлатлар университетлар ўртасида ҳамкорлик лойиҳаларини амалга оширишдан иборат. Лойиҳалар доирасида Европанинг етук университетлари иштирокида бир қатор йўналишлар бўйича бакалаврият, магистратура, докторантура ҳамда илмий ва административ ходимларнинг таълим дастурлари бўйича юқори сифатли таълим берилмоқда.

2011 йилнинг феврал ойида дастурнинг 2 Йўналиши бўйича (Action 2) Марказий Осиё ва шу қаторда, Ўзбекистон олий таълим муассасалари иштирокида 5та ҳамкорлик лойиҳалари молиялаштириш учун танлаб олинди. TARGET, MANECA, TOSCA, CENTAURI ва CASIA лойиҳаларида Ўзбекистоннинг 13та ОТМлари жалб қилинган.

2012 йилда танлаб олинган 4 ҳамкорлик лойиҳаларида эса 10та ОТМлар иштирокида амалга оширилган. TOSCA II, CASIA II, CANEM ва EuroAsianCEA лойиҳалари доирасида таълим олиш, дарс бериш ва тадқиқот олиб бориш имкониятлари мавжуд.

2013 йилда сўнгги танлов натижаларига кўра, 5 лойиҳа молиялаштириш учун танлаб олинди ва бунда 16та ОТМ жалб қилинди. Европа Комиссиясининг қарорига кўра, 1та миллий лойиҳа (TIMUR) учун алоҳида 3 млн. евро миқдорида маблағ ажратилди.

2014 йилнинг июл ойида 2 Йўналишнинг (Action 2) натижаларига кўра, 27 та лойиҳа танлаб олинган ва уларнинг бирида Ўзбекистоннинг Самарқанд кишлоқ хўжалиги институти ва Урганч давлат университетлари иштирок этмоқда.


Республика ОТМларидаги лойиҳа команда аъзолари томонидан Темпус лойиҳалари ва Эразмус Мундус ҳамкорликларининг бир вақтнинг ўзида амалга ошириш жараёнининг 2 баробар фойдалилиги таъкидлаб ўтилган. Темпус лойиҳалари олдида қўйилган мақсадларига етишиш даврида ОТМ ходимлари, профессор-ўқитувчиларнинг қисқа муддатли сафарбарлиги, малака ошириш имкониятлари ва тажриба алмашинувлари асосий хусусиятларидан ҳисобланади.

### ***Олий таълим соҳаси бўйича Экспертлар миллий гуруҳининг фаолияти***

Шунингдек, янги дастур доирасида ҳам Олий таълим соҳаси бўйича Экспертлар миллий гуруҳининг (National Team of Higher Education Reform Experts) фаолиятини қўллаб-қувватлашни давом эттиради. Ҳозирги кунда гуруҳ 13 та экспертдан ташкил топган, улар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Брюссельдаги Таълим, аудиовизуал воситалар ва маданият ижроия Агентлиги (EACEA) томонидан тасдиқланган (<http://erasmusplus.uz/index.php?heres>). EACEA ва SPHERE ташкилоти томонидан ташкил этиладиган долзарб мавзуларга оид семинарларда мунтазам равишда иштирок этишади. Ўз навбатида, семинарлар натижаларидан сўнг ва давлатимиз томонидан олий таълим тизими олдида қўйилаётган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, тематик мавзулар бўйича семинар ва давра суҳбатларини ташкил этиб боради.

### **Темпус дастуридан Erasmus+ дастурига ўтиш даври**

Erasmus+ – бу Европа Иттифоқининг таълим, касбий таълим, ёшлар ва спортни ривожлантиришга қаратилган ҳамда 2014-2020 йиллар учун мўлжалланган янги дастур. Янги дастур юқорида кўрсатилган соҳалар бўйича Европа Иттифоқининг халқаро ҳамкорлик дастурларининг энг муваффақиятли дастурларини, яъни Темпус ва Эразмус Мундус дастурларини ўз ичига қамраб олди. Ҳозирги кунга қадар, улар Ўзбекистон олий таълимини ислохотлаштириш бўйича Европа Иттифоқининг асосий инструментларидан ҳисобланади.




Янги Erasmus+ дастури ва унга киритилган қўшимчалар грантларни олиш жараёнини соддалаштириш, самарадорлигини ошириш, вазифа ва фрагментацияларнинг такрорланишини қисқартиришдан иборат. Дастурнинг молиявий қисмининг ошганлигини инобатга олган ҳолда 2 баробар иштирокчилар сонининг кўпайиши, яъни 5 миллионга яқин таълим вакиллари Erasmus+ грантлари орқали таҳсил олишлари ва касбий тайёргарлик бўйича малака ошириш имконияти мавжуд. Грант ва таълим учун умумий бюджет миқдори 14.8 млрд. еврони ташкил этади, бу ўз навбатида олдинги молиялаштириш миқдорининг 40%га ошганлигини кўрсатади.

Европа Иттифоқи доирасида ушбу дастур малака ошириш ва ишга жойлашиш имкониятлари ҳамда таълимни, ўқитишни ва ёшлар ташкилотларнинг ислохотлаштириш ишларида ёрдам беришга қаратилган. Ушбу дастур бутун дунё ОТМлари, талабалар, тадқиқотчилар ва ходимлар учун бир қатор имкониятларни тақдим этади.


Ўзбекистон ОТМлари, ўқитувчилари ва талабалар Erasmus+ дастурининг қуйидаги 4та йўналишлар бўйича иштирок этиш имкониятига эга: Кредит сафарбарлиги (Credit Mobility) – Европанинг бир ёки бир нечта университетлари билан алмашинув дастури, Олий таълим салоҳиятини ошириш лойиҳалари (Capacity Building in Higher Education), Қўшма магистерлик дастурлари (Joint Master Degree programme) ва Жан Моне (Jean Monnet) дастури.

2014 йилнинг 6 октябрь куни эълон қилинган танловда республикамиз олий таълим муассасалари барча йўналишлар бўйича фаол иштирок этишди, айниқса Олий таълим салоҳиятини ошириш лойиҳалари (CBHE) бўйича белгиланган муддат 10 февралга қадар лойиҳа таклифлари он-лайн тарзда топширилди. Дунёнинг барча давлатлари томонидан 2015-2016 ўқув йили учун мўлжалланган лойиҳалар таклифларининг умумий сони 515та бўлиб, 36 лойиҳа таклифларида Ўзбекистон ОТМлари иштирок этган. Маълум бир вақт мобайнида лойиҳаларни ўрганиш ва баҳолаш жараёнидан сўнг 2015 йил август ойида танлов натижалари эълон қилинди. Танлов натижаларига асосан Ўзбекистон ОТМлари иштирокида 12та лойиҳа молиялаштириш учун танлаб олинганлиги маълум бўлди. Танлаб олинган 12 лойиҳаларда Ўзбекистоннинг 27 ОТМлари: Тошкент шаҳрининг 13та ва 8 вилоятларнинг 14та олий таълим муассасалари ҳамда 17 ноакадемик ташкилотларнинг иштирок этиши режалаштирилмоқда. Ноакадемик ташкилотлар қаторида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва унинг қошида фаолият юритаётган бир нечта марказлар жалб қилинган, булар Бош илмий-методик маркази, Олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази ва Таълим муассасаларда электрон таълимини жорий этиш марказлари иштирок этади.



### Ўзбекистон ОТМларинг 12 CBHE лойиҳаларидаги иштироки

Янги 10та қўшма ва 2та структуравий лойиҳаларда илк маротаба Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти, Тошкент ахборот технологиялари университетининг Қаршидаги филиали, Қўқон давлат педагогика институти ва Тошкент педиатрик тиббиёт институтининг Нукусдаги филиаллари иштирок этиш имкониятига эга бўладилар. Шунингдек, 15 та Европа Иттифоқи аъзо-давлатларнинг 40 университетлари иштирок этади. 11та лойиҳа 3 йилга ва 1та лойиҳа 2 йилга мўлжалланган бўлиб, ўз фаолиятини 2015 йилнинг 15 октябрь кунидан бошлаб амалга оширади.



### Европа Иттифоқига аъзо-давлатлардаги университетларнинг иштироки

Erasmus+ дастурининг «Кредит сафарбарлиги/Credit Mobility» йўналиши бўйича 33 Дастур-давлатлар иштирокчиларининг (Programme countries) Миллий Агентликлари томонидан тақдим этилган биринчи танлов натижалари Европа Комиссияси томонидан эълон қилинди. Айтиб ўтиш жоизки, ушбу йўналиш умуммарказлашган бўлиб ва молиялаштириш бўйича қарор Миллий Агентликлар томонидан тасдиқланади. Кўрсаткичларга асосланган ҳолда 18000та сафарбарлик, яъни Европага – 12300та, Европадан Ҳамкор-давлатларга – 5500та молиялаштирилиши кўзда тутилмоқда. Ўзбекистон олий таълим муассасалари Европанинг 14 Дастур-давлатларнинг 23 университетлари билан 184 сафарбарликни амалга ошириши режалаштирилмоқда.

Европада таҳсил олиш бўйича 125 киши, яъни 54 професор-ўқитувчилар ва 71 талабалар алмашинуви кўрсатилган. Европадан эса Ўзбекистонга келиб дарс бериш ва тажриба алмашиш учун 59 киши, яъни 48 ўқитувчи ва 11 докторантнинг ташриф буюриши кўзда тутилмоқда.

Темпус дастурининг муваффақиятли амалга оширилишида аҳамиятли ҳисса қўшганлиги ва самарали иш олиб борилганлиги боис, Европа Комиссиясининг қарорига кўра 27та Ҳамкор-давлатлардаги Erasmus+ миллий офисларининг (олдинги Темпус миллий офислари) тармоғинининг фаолиятини давом эттирилиши мақсадга мувофиқ деб топилди.

Янги дастур доирасида Erasmus+ миллий офисларнинг (NEO) белгиланган вазифаларини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистоннинг NEO офиси республика ОТМларининг Халқаро алоқалар бўлимлар салоҳиятини ривожлантиришда ёрдам бериш ҳам кўзда тутилган. Халқаро алоқалар бўлимлари (ХАБ) ўз таълим муассасаларида асосий пункт сифатида талабалар, маъмурият ва профессор-

Ўқитувчиларни барча зарур маълумотлар билан таъминлаш, таништириш ва маслаҳатлар бериши лозим. Ушбу дастур ХАБларнинг ўзига хос аҳамиятга эга бўлиши зарурлигини аниқлатади, лойиҳа таклифларини тайёрлаш жараёни ва тартиби, уларнинг менеджменти ҳақидаги маълумотларни тақдим қилиш учун хабардор бўлиши ва ҳамкасблари билан ўртоқлашиши зарур. Масалан, ҳамкорликнинг янги йўналишларидан бири - Кредит сафарбарлиги/Credit Mobility Европа университетлари билан талаба ва ходимларнинг алмашилиш дастури доирасида 33 иштирокчи-давлатларнинг университетлари ўртасида докторант ва ўқитувчиларни қабул қилиш ҳамда талабаларнинг ва ОТМ вакиллари юбориш жараёнида ОТМларaro ҳамкорлик шартномаси ишлаб чиқилиши зарур. Ушбу йўналишнинг асосий талабларидан бири – Европада Ўзбекистонлик иштирокчиларнинг чет элда таҳсил олиб келган ўқиш даврининг ва бир-бирига нисбатан ECTS бирлик кредитларининг қабул қилиш зарурлиги белгиланган.

ОТМлар Темпус ва Эразмус Мундус дастурлари ва бошқа дастурлар доирасида Европа Иттифоқининг таълим муассасалари билан ўрнатган узоқ муддатли ва самарали ҳамкорликларидан фойдаланиш имкони мавжуд.

### **Фойдаланилган абадиётлар рўйхати**

1. Tempus IV in Uzbekistan. Темпус лойиҳалари иштирокчиларининг мақолалар тўплами . – Тошкент, Ўзбекистон, 2013.
2. Темпус: 20 йилдан буён Ўзбекистондаги фаолияти. Темпус лойиҳалари иштирокчиларининг мақолалар тўплами. – Тошкент, Ўзбекистон, 2014.
3. Main Achievements of the Tempus Programme in Central Asia. A Tempus Study. No 19, April 2014, EACEA, Brussels [http://eacea.ec.europa.eu/tempus/tools/publications\\_en.php](http://eacea.ec.europa.eu/tempus/tools/publications_en.php)
4. Erasmus+ дастурининг веб-сайти [http://eacea.ec.europa.eu/erasmus-plus\\_en](http://eacea.ec.europa.eu/erasmus-plus_en)
5. Ўзбекистондаги Erasmus+ миллий офисининг веб-сайти <http://erasmusplus.uz>